



ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган 29-30 март кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий мартабали меҳмон ташриф доирасида олий даражадаги Ўзбекистон — Туркия стратегик шериклик кенгашининг иккинчи йигилишида иштирок этади.

Ўзбекистон ва Туркия етакчилари ўтказадиган музокараларнинг кун тартибидан икки томонлама дўстлик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари урин олган.

Асосий эътибор савдо, инвестициялар, инновациялар, саноат, логистика, туризм ва иқтисодийнинг бошқа тармоқларида қўшма кооперация лойиҳаларини илгари суриш, маданий-гуманитар алмашинув дастурларини амалга оширишга қаратилади.

Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилади.

Саммит якунида Қўшма баёнот ва қатор икки томонлама ҳужжатлар қабул қилиниши режалаштирилган.

ЎЗА

ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 март кuni соғлиқни сақлаш соҳасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 18 март кuni тиббиёт ходимлари билан очик мулоқот ўтказган эди. Унда айтилган муаммо ва тақлифлар бўйича 24 март кuni Президент фармойиши қабул қилиниб, еттига йўналишда вазифа ва масъуллар белгиланди.

Йиғилишда шу борада бошланган ишлар ва ойлик режалар кўриб чиқилди. Аввало, апрель ойида 1 миллион нафар хавф гуруҳига кирувчи аҳоли, 700 минг нафар бола ва 100 минг нафар ҳомиладар аёлларни мақсадли скринингдан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Хар бир оилавий поликлиникада кундузги стационар, 400 та маҳаллада оилавий шифокорлик пункти, олис ҳудудларда контейнерлардан 1 минг 700 та тиббиёт пункти ташкил этишнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Маҳаллабай тизимда ишлаб, сифатли тиббий хизматларни аҳолига яқинлаштириш, одамларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш асосий вазифа қилиб қўйилди. Тўғри овқатланиш, жисмоний машқлар, касалликлар профилактикаси бўйича қўлланмалар ишлаб чиқиш, оилаларга тарқатиш муҳимлиги қайд этилди.

Тез тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, олис ҳудудларда қўшмача бригадалар тузиш, бу тизимдаги анестезиолог ва реаниматологлар ойлик иш ҳақига устама бериш бўйича белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилда инвестиция дастури доирасида тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджетдан 1 триллион 200 миллиард сўм ажратилган. Мутасаддиларга қурилиш ишларини жадаллаштириш, тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Очик мулоқотда республика ихтисослашган тиббиёт марказлари янги, юқори технологик даволаш усуллари йўлга қўйиши зарурлиги айtilган эди. Мисол учун, ҳар йили “оққон” касаллиги бўйича 200 нафаргача бемор илик кўчириш операциясига муҳтож. Гематология ва қон қуйиш илмий-амалий тиббиёт марказида замонавий шароит яратиш орқали ушбу амалиётни йўлга қўйиш мумкинлиги таъкидланди. Бундай ишларни барча тиббиёт марказларида ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлат шифохоналари ва хусусий тиббиёт ташкилотлари учун ягона тарифларни тасдиқлаш, хусусий клиникаларда ҳам йўлланма асосида тиббий хизмат кўрсатишни кенгайтириш вазифаси белгиланди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар очик мулоқотда белгиланган вазифалар ижроси бўйича ахборот берди.

ЎЗА

Туркия — Ўзбекистон: ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИГА АСОСЛАНГАН АБАДИЙ ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Туркия ва Ўзбекистон ўртасида биз “қардошлик ришталарига асосланган стратегик шериклик” деб таърифлаган алоқаларимиз ўзаро ишонч муҳитида ҳар соҳада тобора чуқур илдиэ отиб ривожланмоқда. Икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллигини 2022 йил 4 март кuni нишонладик. Ўзоқ давом этган соғинч ва айрилиқдан кейин ўз давлатига ва байроғига эга бўлган Ўзбекистон мустақиллигини тан олган илк давлат бўлганимиздан фахрланамиз. Тошкент шаҳрида биринчи элчихона Туркия томонидан очилганида Совет Иттифоқи даврида Ташқи ишлар вазирлиги жойлашган бинонинг Туркия элчихонасига берилганлигини Ўзбекистоннинг ҳам Туркияга алоҳида меҳрининг бир нишонаси деб биламиз.

Тарихий Ипак йўлининг бардавом бўлишига ғамхўрлик қилиб, халқаро савдо ва маданий ҳамкорликнинг равнақ топишига улкан ҳисса қўшган Ота юртимиз Ўзбекистон давлати кўҳна Туркистон заминида барпо бўлиб, жаҳон тамаддунининг шайкланишини белгилаб берган бой сиёсий, иқтисодий ва маданий тажрибага эгадир. Нафақат турк-ислом цивилизацияси, балки бутун инсониятнинг муштарак маданий ҳазинасига ҳам бекиёс даражада ҳисса қўшган Имом Бухорий, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоий каби буюк мутафаккир ва алломалар қолдирган асарлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган умумий меросий бойлигимиздир.

Ўзбекистон чуқур тарихий ўтмиши ва давлатчилик анъаналари, Марказий Осиё аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этувчи 34 миллиондан ортиқ ёш ва динамик аҳолиси, Осиё қитъасининг юрагига жойлашганлиги, бой табиий ресурслари ва баракотли замини билан ўз минтақасида ва ундан ташқарида етакчи бўлишга қодир давлатдир.

Ўзбекистонда “Янги Ўзбекистон” ва “Учинчи Ренессанс” концепцияларида ўз ифодасини топган, азиз биродарим Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг оқилона йўлбошчилигида амалга оширилаётган ислохотлар

сиёсати нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда ҳайрат билан кузатиб боришмоқда.

Биз Ўзбекистоннинг Афғонистондаги инсоний фожиялар асоратларини камайитиришда ўз зиммасига олган етакчилик ролини юқори баҳолаймиз. Биз Термиз шаҳрининг Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамларини етказишда барча халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ учун логистика марказига айланганини қўллаб-қувватлаймиз. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ва ундан ташқарида яратмоқчи бўлган фаровонлик ва барқарорлик камари доирасида илгари сурган ўзаро боғлиқлик концепциясига биз ҳам катта баҳо берганимизни алоҳида таъкидлашни истайман.

Президент Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг 2017 йилда Туркияга қилган ташрифлари билан стратегик шериклик даражасига кўтарилган муносабатларимиз 2020 йилда ўтказилган Олий даражадаги Стратегик Ҳамкорлик Кенгаши йиғилиши билан яна бир поғонага кўтарилди.

Ўзбекистонга 2022 йил 29-30 март кунлари амалга оширадиган давлат ташрифимиз доирасида Олий даражадаги Стратегик Ҳамкорлик Кенгашининг иккинчи йиғилишини ўтказиб, икки қардош давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада юқори босқичга кўтарилишига муҳим ҳисса қўшишимизга ишонаман.

Музокараларимиз доирасида икки томонлама ҳамкорлигимизни энергетикадан қишлоқ хўжалигигача, саноатдан маданиятгача, ёшлар масалаларидан атроф-муҳит масалаларигача бўлган кўплаб соҳада сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва ижтимоий жиҳатларини муҳокама қиламиз, имзолайдиган икки томонлама шартномалар билан эса алоқаларимизнинг ҳуқуқий заминини янада мустаҳкамлаб оламиз.

Фуқароларимизни ҳозирги қайта юксалиш даврида Ўзбекистонни келиб қуришга, бу давлатга сармоя киритишга ва бу давлат билан муносабатларимизнинг ҳар соҳада ривожлантирилишига ўз ҳиссаларини қўшишга чақирмоқдамиз. Тадбиркорларимиз томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалар бизни фахрлантириши билан бирга ўзаро савдо айланмасини ҳаракатлантирувчи куч ҳамдир.

Дарҳақиқат, 2017 йилдан буён сиёсий соҳада жадаллик билан ташланган қадамлар қисқа вақт ичида савдо ва сармоя соҳасида ҳам ўз ифодасини топди. Биз ўзаро савдо ҳажмини 5 миллиард долларлик маррага етказиш сари қатъий одимларимизни ташламоқдамиз. Бутун жаҳонни ўз домига олган пандемиянинг салбий оқибатлари энг кучли сезилган 2020 йилни мусбат кўрсаткичлар билан якунлаган икки давлатнинг савдо ҳажми 2021 йилда 3,6 миллиард доллардан ошиб кетди.

Қолаверса, импорт ва экспорт кўрсаткичларининг бир-бирига жуда яқин бўлиши ҳам савдо алоқаларимизнинг бир-бирини тўлдирувчи ва қўллаб-қувватловчи моҳиятда эканлигини кўрсатади. 2022 йилда ҳам икки томонлама савдо айланмасида рекорд натижаларга эришишимизга тўлиқ ишонаман.

Туркия “Осиё асри”да бу қадимий қитъа билан алоқаларини “Яна Осиё” шiori остида кенг қамровда олиб бораётган ҳозирги даврда биз қардош Ўзбекистон билан муносабатларни ҳар соҳада чуқурлаштириш сиёсатини кўпроқ ўртамиздаги азалий ришталар ва умумий тарих елкаларимизга юклаган масъулият, деб биламиз.

Қардош Ўзбекистон билан келажагимизни биргаликда қуриш йўлидаги сазъ-ҳаракатларимиз бутун инсониятга фаровонлик келтиришига ишонамиз. Ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида чуқурлашиб бораётган ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам шундай жадал суръатлар билан ривожланиб боришини тилаган ҳолда, халқим номидан ўзбек биродарларимизга энг самимий салом ва эҳтиромларимни изхор этаман.

Режеп Таййип Эрдоган,
Туркия Республикаси
Президенти



ХАЛҚАРО ФОРУМ

ИСТИҚБОЛЛИ МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай дейишга тўла асос беради



Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми халқимиз ва дунё жамоатчилиги томонидан Янги Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётнинг янада ривожланган босқичига қўйилган муҳим қадам сифатида эътироф этилмоқда.

Форумнинг номланиши ҳам унинг мазмунига мос ҳолда жарангдор ва залворли. Ушбу тадбир мамлакат инвестицион жозибадорлигини намойен этишининг “Янги Ўзбекистон модели” сифатида тарихда қолишига шубҳа йўқ. Нега деганда, бундай мазмундаги тадбирлар миллий ва жаҳон амалиётида кам учрайдиган жараён ҳисобланади. Чунки ушбу халқаро форум Янги Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ва салоҳиятини тўла-тўқис бутун жаҳонга кўрсатиб беришга имкон яратди.

Форумда Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, нуфузли халқаро ташкилотлар президентлари, кўплаб хорижий давлатлар вазирлик ва идоралари вакиллари, умуман олганда, 56 мамлакатдан бир ярим мингдан ортиқ йирик инвестор ҳамда юқори мартабали меҳмонлар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари вакиллари қатнашди.

Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимида Президентимизнинг нутқи барча иштирокчиларга ўзаро манфаатли шериклик алоқаларининг янги, янада юксак босқичга кўтарилишига катта умид бағишлади, руҳлантирди.



Давоми 4-бетда

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

ҲАР БИР ЭКИЛГАН НИҲОЛ, ЯРАТИЛГАН БОҒ

ҳаёт қадрини англадиб,
инсон умрини узайтиради



Яхши ният инсонни ҳамиша эзгу ишларга ундайди. Халқимиз эртасини ўйлаб уй қуради, ерга уруғ сочади, кўчат экади. Мана шундай ёруғ ният билан ҳаёт кечириш, фарзандларини шу руҳда тарбиялаш халқимиз турмуш тарзи, азалий қадриятларининг асл ўзагини ташкил этади.

Президентимиз ташаббуси билан юртимиз бўйлаб бошланган ва тобора кенг қўлоч ёзаётган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати элимизнинг шу эзгу қадриятлари янги ва замонавий руҳда қайта кўз очишда, Ўзбекистоннинг ҳар қарич ерини

чинакамига яшилликка буркаш, тоза ва мусоффо ҳавога бой, соғлом ва қадри баянланган инсонлар яшайдиган мамлакатга айлантиришда улкан қадам бўлди.



Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА МУҲИМ ПЛАТФОРМА

Охириги беш йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми уч ярим баробар кўпайиб, умумий қиймати 25 миллиард долларга етди. Буларнинг ҳисобига 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Икки йил аввал мамлакатимиз тариҳида биринчи марта камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилаб олинди. Ушбу йўналишда алоҳида стратегия қабул қилиниб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ташкил этилди. Натижада қисқа давр ичида ярим миллиондан ортиқ оила муҳтожлар тоифасидан чиқарилди.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг ялпи мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар натижасида эришилган ана шундай улкан қўлларга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу каби ижобий натижалар Ўзбекистон ислохотлар ва янгиланишлар йўлидан қатъий бораётганининг, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, ислохотлар ортага қайтмайдиган муқаррар тус олганининг ёрқин далили.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, бизнес учун қўлай муҳит сифатида жаҳонга танитиш борасида ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада юртимизга инвестиция киришти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагида бўлган компаниялар ва ишбилармонлар сони сезиларли даражада кўпайди.

Стратегик ташаббусларни муҳокама қилиш ва амалга ошириш учун янги майдон яратиш, халқаро бизнес ҳам-жамиятига Ўзбекистоннинг сармоявий имкониятларини намойиш этиш мақсадида ташкил этилган мазкур форумда

дунёнинг 56 мамлакатидан 1,5 мингдан ортиқ иштирокчи, хусусан, ишбилармон ва сиёсий доиралар вакиллари, молия институтлари, хорижий вазирлик ҳамда идоралар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этгани ҳам дунё ҳамжамияти юртимизда амалга оширилаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораётгани ва қизиқиш катта эканидан далолат беради.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган пурмаъно нақл бор. Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон замини қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг қарвон йўллари туташган ҳудуд сифатида машҳур бўлган. Уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга мамлакатимиз узок давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисод, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванқ топган марказларидан бири бўлиб хизмат қилган. Ушбу анъаналарнинг давоми сифатида “Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланиш мизини жадал давом эттириш ишлари олиб борилмоқда”.

Бу ҳақда гапирганда мамлакатимизда 2017 йилда хорижий валютани конвертация қилиш йўлга қўйилгани, чет эллик инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш бўйича чекловлар бекор қилингани, молия муассасаларимиз ва йирик корхоналаримиз илк марта халқаро рейтинглардан жой олиб, жаҳон молия бозорларида чиққанини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жаҳоннинг 90 та давлати фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш, яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти яратилгани натижасида мамлакатимиз бу борадаги кўрсаткичлар бўйича минтақадаги энг очик давлат мақомига сазовор бўлди.

Шунинг баробарида, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, сўз эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда инсон капиталини ривожлантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, 2020 йилда Инсон ҳуқуқлари миллий стратегияси қабул қилингани ва тарихда биринчи марта мамлакатимиз Бирлашган Миллатлар

қарорлик таъминланади, ихчам ва юқори натижадор, бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат бошқаруви тизими яратилади, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улуши кескин қисқаради.

Эътиборли томони, тадбиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш, инфратузилмани жадал ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллий хомашё негизида юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, инсон капиталига сармоя киритиш, ташқи савдони либераллаштириш борасида янги имкониятлар яратилади. Пировардида, Ўзбекистон 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олади.

Умуман олганда, биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми



“ Жаҳоннинг 90 та давлати фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш, яна 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти яратилгани натижасида мамлакатимиз бу борадаги кўрсаткичлар бўйича минтақадаги энг очик давлат мақомига сазовор бўлди.

Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари кенгашининг аъзоси этиб сайлангани юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини оширди.

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси эса барча соҳалардаги ислохотларни янада жадаллик билан давом эттириш, олдимизга қўйган юксак марраларни забт этиш имконини беради. Бу орқали юртимизда иқтисодий ва сиёсий бар-

қуридаги каби юксак мақсад ва режаларимизни амалга ошириш, инвесторлар учун энг қўлай ва жозибадор шароитларни яратиш, хорижий ҳамкор ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли шерикликини ҳар томонлама мустақамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Ойбарчин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Ёшлар ишлари агентлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги раҳбарларининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги қонун талабларига мувофиқ ёшларга оид давлат сиёсатини, хусусан, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича натижадорликни оширишга қаратилган тадбирлар ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди.

Мажлисида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги раҳбарияти томонидан ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали юритиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чоралари қўрилаётгани қайд этилди.

Хусусан, вилоятда **18–30 ёшдаги 611 минг 241 нафар** ёш тўғрисида маълумотлар базаси шакллантирилган.

Бугунги кунга қадар хатлов ва ўрганишлар натижасида “Ёшлар дафтар”га **47 минг 707** ёш киритилган.

Касб-хунар ўргатиш, имтиёзли кредитлар, ер майдонлари ва субсидиялар ажратиш ҳамда ёшларни ижтимоий-моддий томондан қўллаб-қувватлаш тизимли ташкил этилгани боис, **46 минг 859** ёш дафтардан чиқарилган.

Имконияти чекланган ва тиббий ёрдамга муҳтож **848 нафар** ёш доимий назоратга олинган.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган **613 нафар** йигит-қиз иш билан таъминланган.

Мажлисида ёшларни тадбиркорликка ўргатиш, имтиёз ва имкониятлар яратиш борасида ҳам сўз борди.

Сурхондарё вилоятида бугунги кунда **16 минг 120 нафар** ёш тадбиркор фаолият юритади. Уларнинг **4 минг 250 нафари** юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, **11 минг 870** таси якка тартибдаги тадбиркорлик субъектидир.

Шунингдек, Раёсат мажлисида Сурхондарё вилояти туман (шаҳар)лари ҳокимликлари ёшлар масалаларини тизимли ҳал этишга, айниқса, уларнинг бандлигини таъминлашга етарлича **эътибор қаратмаётгани танқидий кўриб чиқилди.**

Тахлилларга кўра, Шўрчи туманида (Б.Худойберганов) 1 606 нафар, Ангор туманида (Ш.Абдуллаев) 818 нафар, Термиз шаҳрида (И.Худойбердиев) 824 нафар, Узун туманида (Б.Турсунов)

704 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланмаган.

Мажлисида Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболов “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун ижроси туман (шаҳар)ларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишига шахсан масъул экани қайд этилди.

Раёсат мажлисида тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги раҳбарияти томонидан ёшлар билан ишлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал қилиш борасида бажарилаётган ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

“Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун талаблари ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида жойлардаги масъуллар учун қисқа муддатли ўқув соатлари ташкил этиш, маҳаллаларда ёшлар балансини яратиш орқали ҳудудларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” тоифаларга ажратиш ҳамда иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш борасидаги ишлар тўғрисида Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига ҳар ойда ҳисобот бериб бориш вазифалари юклатилди.

Секторлар иш самарадорлигини ошириш, уларнинг фаолиятини ҳар чоракда мунтазам мониторинг қилиб бориш мақсадида 4 та минтақавий ҳудуд бўйича ишчи гуруҳлар шакллантириб, улар фаолиятини фақат маҳаллалардаги муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш билан боглиқ тақлиф ва лойиҳалар ишлаб чиқишга қаратиш таъкидлаб ўтилди.

Қайд қилинган камчиликларни бартараф этиш бўйича барча вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига вазифалар белгилаб берилди.

Мажлис якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Саид МИРЗАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Когон тумани Халқ қабулхонаси мудир

Юртимизнинг барча гўшасида бўлгани каби Когон тумани ҳам янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда. Аҳоли бандлигини таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, фуқаролар муаммоларини жойида ҳал этиш, одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаш йўлида кенг қамровли ишлар амалга ошириляпти. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Когон тумани Халқ қабулхонасининг вилоят ва туман ҳокимликлари, секторлар, маҳаллалар билан ҳамкорликда амалга ошираётган ишлари ижобий самаралар бермоқда.

Ҳоким ёрдамчиси ҳаловатини йўқотди

Нодир Жумаев — тумандаги “Сараён” маҳалла фуқаролар йиғинига бириктирилган ҳоким ёрдамчиси. Бир қарашдаёқ билиш мумкин: изланувчан, тиним-тинчимас. Муҳими, бошқалар ўй-ташвишини худди ўзиники каби қабул қилади. Маҳаллада 109 нафар ишсиз борлиги аниқлангач, ҳоким ёрдамчисининг ҳаловати йўқолди. Катталарнинг маслаҳатини олди. Маҳалланинг ўсиш нуқталарини аниқлади. Режа тузди. Муаммоларга ечим топишга киришди.

Гап шундаки, маҳалладаги ҳар бир қарич ер ҳисобли. Қўшни “Баҳоуддин Нақшбанд” маҳалла фуқаролар йиғинининг эса бу борада имконияти кўпроқ. Шу йўғин ҳудудидан 1,5 гектар экин майдони сараёнликлар учун ажратилди. 15 кишига деҳқончилик қилиш учун 10 сотихдан

ер берилди. Ҳоким ёрдамчиси айнан шу майдонда қўлундайчилик кластери барпо этиш ниятида. Бунинг учун қиймати 45 минг АҚШ доллари бўлган бизнес лойиҳа ҳам тайёр.

Сараёнда ишлайман, эл-юртга нафим тегсин, дейдиган ёшлар кўп. Азиз Ширинов ана шуларнинг бири. “Севинч Азизабон” оилавий корхонасини очган бу йигит шу кунга қадар бировнинг уйида ижарада фаолият кўрсатиб келаётганди. Ҳоким ёрдамчиси унга ёрдам қўлини чўзди. Ёш тадбиркорга бўш ётган бино “ноль” қийматда берилди. Бундан руҳланган ишбилармон ишчилар сонини ўн нафардан, ишлаб чиқарилаётган миллий ширинликлар турини эса йигирматадан оширди. “Сараён моҳир кўллари” масъулият чекланган жамияти ҳақида ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин.

Маҳалла ҳудудида ҳозир 35 та ихчам иссиқхона барпо этиляпти. Улар фаолият бошлаши билан бундай иссиқхоналар



сони 60 тага етади. Ҳоким ёрдамчиси ҳудудда 17 та сервис шохобчаси фаолиятини ҳам йўлга қўйиш ҳаракатида. Маҳалланинг ўсиш нуқтаси сифатида танланган паррандачилик, деҳқончилик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалар рўёби туфайли жорий йилда 309 та янги иш ўрни яратилади.

“Фарзандларимиз эртасидан кўнглимиз тўқ”

“Нурафшон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги Обод Чўқуқўл қишлоғида бўлган киши ота-оналардан “Энди фар-

зандларимиздан кўнглимиз хотиржам”, деган сўзни эшитилади. Бу бежиз эмас. Қишлоқда мактабгача таълим муассасаси йўқ эди. Шу боис, ишга отланган аёлларнинг бир кўзи ортада бўлиб, уйда ёлғиз қолган боласидан хавотир оларди.

2-сектор ҳудудидаги шу масала яқинда ўз ечимини топди. Қишлоқда “Мунаввара Меҳр” номли нодавлат мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Сектор раҳбарлари тадбиркор Ш. Рўзиевага амалий ёрдам кўрсатишди. Лойиҳа қиймати 4 миллиард сўм бўлган бу ташкилот қурилиши учун имтиёзли кредит ажратилди. Мактабга-

ча таълим ташкилоти 100 нафарга яқин болажонни қамраб олди. Ҳудуддаги ўндан зиёд ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Айтиш жоизки, сектор ҳудудида махсус сўровнома ўтказилиб, 6 тоифа доирасидаги аёллар рўйхати шаклланди. “Аёллар дафтери”га киритилганлар муаммолари бирин-кетин ҳал этиляпти. “Йўл харитаси” асосида манзилли ишлар олиб борилмоқда. 10 та эҳтиёжманд оила “Темир дафтар”га рўйхатга олинган.

Рўзгорни бутлаш муаммо эмас

“Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар йиғинининг чўл ҳудудида ишлашга ҳар қим ҳам жазм қилавермайти. Аммо саҳро қийинчиликлари тадбиркор Қўлдош Саҷоновни чўчита олмади. Уни 4-сектор ишчи гуруҳи ҳам қўллаб-қувватлади. Пировардида тадбиркор ўз тажрибасини юртдошлари билан ҳам баҳам қўриш фикрига келди.

Қўлда “Kogon-Fish-Broller” корхонасини таъсис этган ва балиқчилик ҳамда паррандачилик билан шуғулланаётган тадбиркор ишни кластер усулида йўлга қўйди. Зарур озқўгани ҳам шу ерда ишлаб чиқармоқда. Сўхбат жараёнида аён бўлдики, у элликтага яқин доимий

ва мавсумий иш ўрни яратган. Бундан ташқари, тадбиркор ишсиз, қўшимча даромад топиш иштиёқидаги кишиларга бройлер жўжалари, уларнинг озқўқаси ва зарур витаминларни етказиб бермоқда. 45 кундан кейин эса боқилган жўжаларни улардан ўзи сотиб олади. Бу тақлифни қабул қилган фуқаролар ойига ўртача 1,5–2 миллион сўм қўшимча даромад топапти. Бир сўз билан айтганда, рўзгорни бутлаш энди муаммо эмас.

Жўмрақдан оққан зилол сув

Тоза ичимлик сув қадрини Сиёзпоён қишлоғида яшовчилар яхши билади. Неча юз йиллик тарихга эга бу гўшада илк бор марказлаштирилган сув таъминоти тизими яратилди.

Қишлоқ “Обод қишлоқ” дастурига киргач, ҳудуд қиёфаси тубдан ўзгарди. Замонавий инфратузилма объектлари, уй-жойлар қад ростлади. Йўллар раван бўлди. 5 миллиард сўм маблаг эвазига сув иншооти реконструкция қилинди. Унинг лойиҳа қуввати оширилди. Кенг қамровли бунёдкорлик, ободончилик ишлари натижасида қишлоққа файз кирди.

Бугун жўмрақдан оққан зилол сувни кўриб, юзлаб оилаларнинг бир тавишини енгиллашганидан хурсанд бўласиз, киши.

Муҳими, бу каби хайрли ишлар, янгиланишлар туманнинг энг чекка ҳудудларини ҳам қамраб олмақда. Юртдошларимиз бу ўзгаришларни ўз турмуши мисолида кўриб, ҳис этиб яшамоқда. Одамларнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб умргузаронлик қилиши йўлидаги қадмалар Когонда ана шундай ҳаётбахш меvasини беряпти.

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИХАСИ

ҲАР БИР ЭКИЛГАН НИҲОЛ, ЯРАТИЛГАН БОҒ

ҲАЁТ ҚАДРИНИ АНГЛАТИБ, ИНСОН УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

**Нарзулло ОБЛОМУРОДОВ,
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза
қилиш давлат қўмитаси раиси**

“Кўчатларни экиб қўйиш билан иш битмайди. Умид билан ерга қадалган ҳар бир ниҳол авж олиб ўсиши, азим дарахтга айланиши учун унга доимий парвариш, энг муҳими, сўғориш тизими керак. Шундай амалий ишлардан бири сифатида Самарқанд шаҳрига кираверишдаги Чўпонота тепалигида 186 гектар майдондан 47 гектарига бодом, ўрик, қайрағоч, шарқ туяси сингари 29 минг тупдан кўпроқ кўчат экилиб, яшил қоплама барпо этиляпти. Айни пайтда маҳаллий бюджет ҳисобидан 8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 30 гектар майдонда томчилатиб сўғориш тизими яратилмоқда.



Бошланиши 1-бетда

Жорий йил 25 мартдан мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатини самарали амалга ошириш учун “Долзарб 40 кунлик” эълон қилинди. Бу шунчаки номига ўтказилмайдиган бир тадбир ёки акция эмас. Бу — натижаси келгуси юз йилликларга татийдиган эзгу ҳаракат. Ўзбекистоннинг эртаси учун кай-гуриб қилинаётган чин маънодаги хайрли ташаббус.

Жорий йил 2 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбарининг мана бу сўзлари ҳаммамизнинг она табиятга муносабатимизни бутунлай ўзгартириш учун муносиб даъват бўлди:

“Ҳаммамуз яхши биласиз, халқимиз азалдан табиятни муқаддас деб билган. Тупроқни, суғи, ҳавони, оstonасини пок сақлашга интилаган. Халқимизда “Бирни кессанг, ўрни эк” деган доно мақол ҳам бежиз айтилмаган.

Оилада янги фарзанд дунёга келса, унга атаб ниҳол экилган. Афсуски, мана шу эзгу одатлар бугун деярли йўқолиб кетди.

Бугун дунё миқёсида техника ва технология, санаят юқори даражада ривожланган XXI асрда экология билан боғлиқ муаммолар биринчи даражали муаммо сифатида кун тартибига чиқаётгани бежиз эмас.

Биз бу масалада фақат бугунни эмас, яқин ва узоқ келажакни ўйлаб иш тутмасак, қўзлаган мақсадимизга эриша олмаймиз”.

Дарҳақиқат, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, айниқса, дарахт экишга қаратилган умуммиллий лойиҳани амалга ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Айтиш жоизки, мамлакатимиз ва бутун дунёдаги вазият ҳам экологик муаммоларга мана шундай тизимли ва самарали ёндашуви тақозо этмоқда. Экологик масалаларга бу қадар катта аҳамият қаратилиб, мана шундай умуммиллий лойиҳа ўтказилиши эса Ўзбекистон таърихисидан шу пайтга қадар кузатилмаган. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси Ўзбекистон шароитида шу пайтгача экология соҳасида амалга оширилган ишлардан ўринли хулоса чиқарган ҳолда, масаланинг барча тарафларини атрофлиқа инобатга олиб, келажакни кўзлаб ишлаб чиқилган ноёб тажриба сифатида ўз натижасини бериши шубҳасиз.

Мана шунинг учун ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси халқимизнинг айна дилидаги ҳаракатга айланди. Унга 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган ҳар бир юрдошимиз ўз хиссасини қўйиш, умуммиллий лойиҳада фаол иштирок этишга ўзида масъулият туйди. Зеро, эртанги келажак бизнинг бугунги ҳаракатимизга боғлиқлигини ҳар биримиз тушуниб, англаб етишимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг “*Ҳаммамуз ҳам қўлидан иқтисод келмайди, ҳаммамуз қўлидан инвестиция олиб келиш келмайди. Лекин экологик вазиятга, ўзимизнинг туманимиз, ўзимизнинг маҳалламизга эътибор берсак бўлади-ку. Олдин кўчатимиз ҳам йўқ эди, ҳозир кўчатимиз ҳам бор*”, деган сўзлари ҳар бир юрдошимизнинг юрак-юрагидан ўтган чақирқ бўлди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида йилга 200 миллион туп дарахт ва бута қўчати экиш, шу орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш белгиланган эди. Бунда янгидан ташкил этиладиган яшил

ҳудудларга масъуллар белгиланиши, бу ишларни амалга ошириш учун маблағ ажратилиши, сўғориш тармоқлари барпо этилиши муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, экиладиган кўчатларнинг ҳудудлар иқлим шароитини инобатга олиб танла-ниши масаласи ҳам мазкур лойиҳада ўз аксини топди.

Мисол учун, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида кўп йиллардан буён ўстириб келинаётган, аммо тур сифатида биров камёблашиб қолган дарахт ва буталар селекцияси масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир кўчат, аввало, экилаётган ҳудуднинг иқлим, тупроқ ва сув шароитига мувофиқлиги инобатга олинмоқда. Ота-боболаримиздан бизгача давом этиб келаётган мева-ли дарахтлар билан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир кўчат, аввало, экилаётган ҳудуднинг иқлим, тупроқ ва сув шароитига мувофиқлиги инобатга олинмоқда. Ота-боболаримиздан бизгача давом этиб келаётган мева-ли дарахтлар билан алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тут, гуҷум, тўронғил, саксовул, сарв, чинор каби манзарали, нашвати, анор, бодом, ўрик, ёнғоқ, хурмо, тилос сингари мева-ли дарахт ва буталар Ўзбекистон экотизимини учун муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда, бундай кўчатларнинг тур ва навларини кўпайтириш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бугун нафақат илмий-тадқиқот институтлари олимлари, балки оддий деҳқон-фермер хўжаликларида тортиб, боғдорчилик билан шуғулланаётган хусусий ташкилотлар, тажрибали боғбонлар ҳам жонбозлик кўрсатаётгани қувонарли ҳолдир. Аслида азалдан халқимизда сақланиб келаётган бу каби ишлар “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси муносабати билан янада юқори поғонага кўтарилди.

Президентимиз фармони билан “Яшил макон” лойиҳасининг барча ташкилий-ҳуқуқий, молиявий масалалари ўз ечимини топди. Барча ҳудудларда экология соҳасида амалга оширила-диган энг йирик лойиҳанинг аниқ кўрсаткичлари, зарур йўналишлари белгилаб берилди. Экиладиган дарахтлар, уларга нисбатан қўйилмайдиган талаблар, дарахтларни сўғориш тизими билан боғлиқ барча масалалар мана шу муҳим ҳужжатда ўз аксини топди.

Ҳар бир ҳудудда табиий-иқлим шароитига мос кўчатларни танлаш, уларни

тажрибали деҳқон ва боғбонлар, ўрмон хўжалиги, экология соҳаси вакиллари иштирокида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчат экиш билан боғлиқ амалий ишлар илмий ёндашувлар асосида қўриб чиқилди.

Мана, эрта баҳордан халқимиз бир-дамлик ва кўтаринки бир иштиёқ билан яна далаларга, йўл четларига, бир сўз билан айтганда, ҳар қарч бўш ерга турли дарахт кўчатларини экишга киришди. Баҳорнинг серёгин ва баракали бошлангани ҳам “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси учун катта имконият аслида. Экилган янги ниҳолларни сув билан таъ-



минлаш масаласи озмунча ҳаракат талаб қилмаслиги ҳаммага маълум. Бунинг ўзи-га яраша қийинчилиги бор. Яратганинг заминимизга кўрсатаётган марҳамати билан йиллик ёгин миқдорининг меъёри-да бўлиши тупроқ намлигини сақлашда жуда катта ёрдам беради. Айниқса, кўчатлар эндигина ўтказилган баҳор ойларида ёнингариликнинг қадри жуда баланд эканини мутахассислар яхши билади.

45 мингдан ортиқ қайрағоч, япон сафораси, шумтол, шарқ туяси каби дарахт кўчатлари экилиб, томчилатиб сўғориш тизимини яратиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бундай мисолларни яна ўнлаб келтириш мумкин.

Шубҳасиз, кўчатларни етиштириш, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос кўчат етказиб бериш муҳим аҳамият касб этади. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида катта миқдордаги дарахт ва бута кўчатларини етказиб беришда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, академик Маҳмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти ҳудудий тажриба хўжаликлари, деҳқон-фермер хўжаликларида тортиб, кўчатчилик ва боғдорчилик билан шуғулланаётган хусусий ташкилотларгача алоҳида ўрин тутади. Биргина Бухоро вилояти ҳудудида кўчат етиштирувчи хўжалиқлар ва қорхоналар сони 67 тани ташкил этмоқда. Уларнинг умумий ер майдони 60 гектардан зиёд бўлиб, ушбу кўчатхоналарда катта миқдордаги манзарали ва мева-ли дарахт кўчатлари етиштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон туманидаги давлат ўрмон хўжалиги ҳудудидаги 23,2 гектар ер майдонида кўчатхона ташкил этилган бўлиб, унда 2 миллион 46 минг туп ҳар хил турдаги мева-ли ва манзарали дарахт, бута кўчатлари етиштирилмоқда.

Иқлим шароитига мос кўчатларни танлаш ва харид қилишда ортиқча сарсонларчиликнинг олдини олиш мақсадида баҳор мавсумида ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимликлари, экология ва ўрмон хўжалигининг ҳудудий бошқармалари билан биргаликда 312 та арзонлаштирилган кўчат ярмаркаси ҳамда савдо нуқталари ташкил этилди. Ямаркалар



фақатгина одамлар гавжум жойларда эмас, балки ҳар бир маҳалла гузарига кўча ҳолда ташкил этиляпти. Яъни ҳар

дарахтзор ва бутазорлардан иборат бўлади.

Биргина Бухоро вилоятида майдони 36,2 гектар бўлган 11 та “Яшил боғ” ҳамда майдони 34,65 гектар бўлган 11 та “Яшил жамоат парки” ташкил этиш белгиланган бўлиб, уларда 45 минг 829 туп дарахт қўчати экилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда Қорақўл тумани Қорақўл маҳалласи ҳудудидаги 3 гектар ерда “Яшил жамоат парки” ташкил этиш ишлари бошланган. Бу ерга 1000 тупдан ортиқ манзарали дарахт қўчати экилиб, томчилатиб сўғориш тизими йўлга қўйилмоқда.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан “Яшил макон” электрон платформаси жорий этилиб, 1 мартдан бошлаб синов тариқасида ишга туширилди. Мазкур платформада баҳор мавсумида экилаётган дарахтлар, уларни парваришлаш, сўғориш тизими мавжудлиги каби маълумотларни масъул ташкилот ва идоралар кесимида юритиш йўлга қўйилиб, бугунги кунга қадар экилган 91 миллион тупдан ортиқ дарахт ва бута кўчатларининг 62 миллиондан ортиги платформага киритилди.

Яқинда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Европа иқтисодий комиссияси, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда “Замин” халқаро жамоат фонди ҳамкорлигида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси: шаҳарларда яшил ҳудудлар ва дарахтларни кўпайтириш” мавзусида ташкил этилган халқаро илмий-амалий семинарда италиялик профессор Франческо Феррини бир фикрни алоҳида таъкидлади: “*Бутун дунёда шаҳарлар ўсмоқда, шунинг учун ҳам яшил майдонларни сақлаб қолишга эътибор зарур. Европа Иттифоқида 2030 йилга қадар 3 миллиард дарахт экиш дастури мавжуд бўлиб, Италияда 200 миллион дарахт экиш режалаштирилган. Шу боис, “Яшил макон” дастури анча юқори марраларни кўзлаб кўриб, ҳар йили 200 миллион туп, беш йилда 1 миллиард кўчат экилиши нафақат мамлакат учун, балки бутун Марказий Осиёда экологик вазиятни яхшилаш учун улкан аҳамият касб этади*”.

Ҳа, бугун инсоният табиат қадрини, унинг неъматлари бебаҳо эканини тобора англаб етмоқда. Чеғара билмайдиган глобал муаммолар — иқлим ўзгариши, атмосфера ҳавоси ифлосланиши, ердаги ҳарорат кўтарилиб бориши, қурғоқчилик — буларнинг барча-барчаси неғизда битта омил, у ҳам бўлса асрлар давомида инсониятнинг табиятга етказиб келаётган кичик зарарлари ҳосиласи ётади. Она табиатнинг бугунги “овози” биргина мамлакат ёки халқ эмас, бутун инсоният учун жиддий оғоҳлик қўнғирғи бўлиши керак. Атроф-муҳит билан боғлиқ вазифалар ҳаммиша эътиборимиз марказида туриши зарур.

Президентимиз ташаббуси билан Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида бошланган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эса айнан шу каби экологик муаммоларга ечим топишда, Ўзбекистонни экологик хавфсиз ва барқарор мамлакатга айлантиришда пойдевор бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

ХАЛҚАРО ФОРУМ

Тўлқин ТЕШАБОВ,
Тошкент молия институти ректори

66

Ўзбекистонда инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари бу борада 2022 йилдан Президент ҳузурида хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилишини таъкидлади. Шунингдек, краудсорсинг платформаси ва замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда барча тармоқлар ва ҳудудлардаги инвесторлар ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш амалиёти давом эттирилади.



ИСТИҚБОЛЛИ МАҚСАДЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ана шундай дейишга тўла асос беради

Бошланиши 1-бетда

Нутқда мамлакатимизнинг 3 минг йиллик давлатчилик тарихига эга экани ҳамда узоқ давр мобайнида дунёнинг савдо, иқтисодиёт, илм-фан, маданият ва санъат юксак раванқ толган марказларидан бири бўлиб хизмат қилгани таъкидлаб ўтилди. Ушбу кўҳна заминдан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирлар бугунги кунда ҳам бутун инсониятга хизмат қилаётган ноёб кашфиёт ва бебаҳо асарлар яратиб, уларни жаҳон ахлига мерос қилиб қолдиргани эътироф этилгани юртимизнинг жаҳонда мустақкам ўрни борлигидан далolat беради, албатта.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда “Буюк ўтмишдан — буюк келажак сари” тамойили асосида иқтисодий-ижтимоий ривожланиш жадал давом эттирилаётгани ва бундан 5 йил аввал қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилган ислохотлар дастури давлатимиз ва жамиятимизнинг барча соҳаларини қамраб олгани, бу борада қонун устуворлигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, коррупцияга қарши кескин кураш олиб бориш каби муҳим йўналишларни ўзида муҳассам этганига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Шунингдек, биринчи навбатда, илгари инвесторларнинг Ўзбекистон бозорига кириш ва эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилган барча омилар баргараф этилиб, тадбиркорлик учун қулай шароит яратила бошлагани хорижлик инвесторлар томонидан мамнуният билан қутиб олинди. Бу борада, миллий валютаимиз — сўмининг эркин конвертацияси жорий этилиб, хорижий инвесторлар томонидан фойдани репатриация қилиш билан боғлиқ барча чекловлар олиб ташлангани, мамлакатимизда очиклик сиёсатини таъминлаш мақсадида 90 та хорижий давлат фуқаролари учун Ўзбекистонга визасиз кириш имконияти яратилгани, 60 га яқин мамлакат фуқароларига эса енгиллаштирилган тартибда виза олиш имконияти берилгани, шунингдек, коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айлангани, кўп йиллар давомида мамлакатимизнинг турли “қора рўйхат”ларга киритилиши учун сабаб бўлган мажбурий

меҳнат, жумладан, болалар меҳнатига тўлиқ бaрхам берилгани таъкидлаб ўтилди. Таълим ва инсон капиталини ривожлантиришга эътибор янада кучайтирилиб, сўнгги 5 йилда мамлакатимизда 21 мингдан ортиқ янги мактабгача муассасаси ташкил этилди. Ушбу масканларга болаларни қамраб олиш кўлами аввалги 27 фоиздан 67 фоизга етди. Утган қисқа даврда 82 та янги университет ва институт ташкил этилиб, олий таълим даргоҳларининг умумий сони 159 тага етказилди. Мактаб битирувчиларининг олий таълим билан қамров даражаси 9 фоиздан 28 фоизга етди.

Барча соҳаларда бўлгани каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам муҳим ислохотлар изчил олиб борилаётгани, бу борада шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон ва зарур буюмлар билан таъминлаш мақсадида давлат томонидан ажратилган маблағлар миқдори ўтган даврда 12 баробар кўпайтирилгани ижтимоий соҳадаги улкан ютуқ сифатида баҳоланиши мумкин. Бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати ҳам бизнес соҳасини рағбатлантиришга хизмат қилаётгани, сўнгги йилларда солиқларнинг умумий сони 13 тадан 9 тага туширилгани, тадбиркорлик субъектлари зиммасидаги солиқ юкни янада қамайтириш ҳамда солиқ маъмуричилигини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимли равишда давом эттирилаётгани ҳам хорижий инвесторлар томонидан мамнуният билан қабул қилинганини эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистонда “ягона дарча” тамойили асосида хорижий инвесторлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий этилиб, сармоядорларга ҳар томонлама қўмак берадиган, барча ҳудуд ва тармоқларни қамраб олган Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолияти йўлга қўйилди. Натижада иқтисодиётимизга жалб қилинган йиллик хорижий инвестициялар ҳажми 3,5 баробар ошиб, охириги 5 йилда 25 миллиард долларни ташкил этди. Бунинг ҳисобидан 59 мингта инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 2,5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Айтиш керакки, сўнгги йиллардаги ислохотлар самараси ўлароқ мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари

66

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баробар ва 2030 йилга бориб эса 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун замин яратиш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш белгиланган.

кузатилмоқда. Буни биргина мисол, олтин-валюта захираларимиз 27 миллиард доллардан 35 миллиард долларга етгани ҳам кўриш мумкин.

Президентимиз келгуси беш йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси қабул қилинганини алоҳида таъкидлаб, келгуси ислохотлар доирасидаги истиқболли режаларга тўхталиб ўтди.

Биринчи йўналиш, мамлакатимизда иқтисодий ва сиёсий барқарорлиқни таъминлашга қаратилган чор-тадбирларни изчил давом эттириш. Жумладан, кенг кўламли маъмурий ислохотларни амалга ошириш ва рақамлаштиришни жорий қилиш орқали бизнес учун янада қулай шароитлар яратиш, давлат бошқаруви натижадорлигини ошириш орқали ишбилармонлар ва тадбиркорларга қўмак берадиган ихчам, юқори

самарали ҳукумат тизимини ташкил этиш кўзда тутилган.

Иккинчи йўналиш, давлатнинг иқтисодиётдаги роли ва улушини кескин қисқартириш. Халқаро молия институтлари ва хорижий консалтинг компаниялари кўмагида давлат активларини хусусийлаштириш орқали 2026 йилга қадар эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинади ва давлат корхоналарини хусусийлаштириш ҳисобига 25 тадан ортиқ фаолият бўйича монополиялар тугатилади. Тижорат банкларида трансформация давом эттирилиб, банк активларида хусусий сектор улуши 60 фоизгача етказилади. Давлат иштирокидаги корхоналар сони камида 3 баробарга қисқартирилади.

Учинчи йўналиш бўйича инфратузилмани жадал ривожлантириш давом эттирилади. Ўзбекистонда хорижий



ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ИННОВАЦИОН ҲУДУДЛАР

ёшларни янги технологиялар яратишга рағбатлантирмоқда

Ҳозирги инновация даврида янгича ёндашувларга эҳтиёж катта. Боиси, ҳар бир соҳада сарф-харажатларни қамайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш зарур талаб бўлиб қолди. Инновацияга айланидиган янги гоълар эса иқтисодиёт тармоқларининг сифат ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Президентимизнинг 2021 йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида иқтисодиёти жадал ривожланаётган туманларни инновацион ҳудудларга айлантириш вазифаси белгиланган эди. Шунга мувофиқ, юртимиздаги 13 та туман ана шундай ҳудудга айлантирилди. Инновацияларни олис ҳудудлардаги аҳолига етказиш баробарида, одамлар оғирини енгил қилиш ҳамда ёшларнинг янги технологиялар яратишга қизиқишини ошириш бораидаги ишлар Чуст туманидан бошланган эди.

Илм-фан, тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида янги лойиҳаларнинг амалиётга татбиқ этилиши катта самара келтиради. Бундай ёндашув янги маҳсулот ва технологияларни олиб кириш жараёнида муайян ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари, ўсиш нукталарини ҳисобга олиб иш тутиш имконини ҳам беради.

— Ҳар бир туманининг иқтисодий тараққиёти мақбул инновацион стратегия яратиб, замонавий технологияларни кенг жорий этишига боғлиқ, — дейди Наманган вилояти инновацион ривожланиш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Илҳом Сатторов. — Чустда илм-фан, технология, тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ривожланмоқда. Маҳаллий олимлар олдида вақт, маблағ ва табиий ресурсларни қамроқ сарфлаб, кўпроқ ва сифатли натижа олиш вазифаси турибди. Барчамиз учун содда, оддий кўринган деҳқончилик соҳаси ҳам бугун янгича ёндашувларни талаб қилмоқда. Самараси юқори бўлган гоъ эгаларига инновацион ҳудуддан 20 сотихдан ер ажратилган, бу орқали 200 нафар ёшнинг бандлиги таъминланди. Энг сўнгги илмий-техника ютуқларидан фойдаланиш иқтисодиёт тараққиётига катта таъсир кўрсатишини ёш олимлар яхши англаб етган. Шу боис, янгилик яратиш, унинг натижадорлигини исботлайман, деган ёшлар кўп.

Кам харажат, юқори даромад

“Рустамали Каримов” фермер ҳўжалигида гожи (дереза) ва ковул (кавар) доривор ўсимлиқларини етиштириш учун 2 гектардан ер ажратилган. Қон айланishi тизимини яхшилаш, қўриш ва жигар фаолигини оширишда аҳамияти катта бўлган гожи резавор ўсимлиги экилган бир гектар майдондан ўртача 450 миллион сўм даромад олиш мумкин. Бир килограмм қуруқ мевасининг баҳоси 300 минг сўм эканини ҳисобга олсак, бундай майдонларни кенгайтиришнинг аҳамиятини англаш қийин эмас.

Халқ тилида тарвузчалар деб аталадиган ковул ўсимлигини етиштириш эса катта

сармоя талаб қилмайди. Шундай бўлса-да, ундан олиннадиган даромад юқори. Кўринишдан митти тарвузни эслатадиган, ёввойи ўт сифатида қараладиган ковул қурғоқчил ерда, шунингдек, пахта ва бўғдой далаларида, томорқа экинлари орасида ҳам кўп учрайди.

Уни европаликлар хуш кўради, айниқса, маринадланган мевасининг бозори чакон. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ўсимлиқнинг яхши навлари даромад келтириш бобида дунё бозорига узумага тенглаша олади. Гулкуртаклари ошхонанинг муҳим зирavorи саналса, гулларидан асал олиш мумкин. Қуритилган меваси ҳам витаминга бой, тўйимли. Илдизи ва барги фармацевтика саноатида қимматбаҳо хомашё саналади.

Катта эҳтиёж кичик харажат эвазига қопланади

Мукаммал ишланган лойиҳалар орқали рақобатчилардан ўзиб кетиш ёки бозордаги сегментни кенгайтириш — ёш олимлар олдида турган муҳим вазифалардан бири. Янги турдаги маҳсулот яратишда маҳаллий хомашё, айниқса, чиқиндилардан самарали фойдаланиш ҳам иқтисодиёт тармоқлари, ҳам экология учун муҳимдир.

“Чуст ДПК композит” МЧЖда ёғоч ва полимернинг хусусиятларини ўзида мужасамлаштирган, иссиқ ва совуққа чидамли, сувда чиримайдиган қурилиш маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда. Асосий хомашё — ёғоч қириндиси ва полиэтилен қиқиндиси.

— Бирламчи ва иккиламчи полиэтилен ва ёғоч қиқиндиси асосида ишлаб чиқарилаётган декоратив ёғоч-полимер композитлар импорт ўрнини босувчи инновацион қурилиш материаллари саналади, — дейди лойиҳа раҳбари, техника фанлари доктори, профессор Абдусамик Қодиров. — Полимер таркиби ёғоч материаллар қурилиш саноатида муҳим. Биз тақлиф этаётган маҳсулот четдан келтириладиган турдошларига нисбатан анча арзон. Юртимиз бозорларида бир куб метр шундай маҳсулотнинг нархи ўртача 3–4 миллион сўм, бизда эса бу нарх 1,5 миллион сўм атрофида.

Мазкур инновацион лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, юртимизда ҳар йили 400 минг тонна атрофида полиэтилен ишлаб чиқарилади. Энди ўзингиз юзага келадиган қиқинди муаммосини тасаввур қиливеринг. “Чуст ДПК композит” корхонасида эса 50 минг тонна иккиламчи полиэтиленга эҳтиёж бор. Корхонанинг айна мана шу талаби экологияга етказилиши мумкин бўлган катта зарарнинг олдини олибгина

яратишни қамраб олади. Ўзбекистон яқин йилларда Жаҳон савдо ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш учун аниқ қадамлар қўймоқда. Ҳозирнинг ўзида юртимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар эркин савдо орқали 280 миллион истеъмолчи бўлган минтақавий бозорларга чиқиш имкониятига эга. Бундан ташқари, Европа Иттифоқининг кенгайтирилган преференциялар тизими — GSP+ доирасида Ўзбекистон 6 мингдан ортиқ турдаги маҳсулотни Европа бозорига имтиёзли шартларда экспорт қилиш мумкин.

Миллий экспортчиларимизга қўшимча имконият яратиш учун ҳозир Ҳиндистон, Туркия, Корея Республикаси ва бошқа давлатлар билан имтиёзли ва эркин савдо битимларини имзолаш бўйича аниқ чоралар қўриломоқда. Мавжуд транспорт коридорларини диверсификация қилиш мақсадида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни трансфонт йўли орқали Жанубий Осиёга, Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли орқали Осиё-Тинч океани минтақасига ҳамда Жанубий Кавказни кесиб ўтувчи транспорт коридори орқали Европа мамлакатларига етказиш борасида аниқ амалий ҳаракатлар олиб бориломоқда.

Еттинчи йўналиш, Ўзбекистонда инвестиция жозибадорлигини ошириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш билан боғлиқ. Давлатимиз раҳбари бу борада 2022 йилдан Президент ҳузурида хорижий инвесторлар кенгаши йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш йўлга қўйилишини таъкидлади. Шунингдек, краудсорсинг платформаси ва замонавий рақамли ечимлардан фойдаланган ҳолда барча тармоқлар ва ҳудудлардаги инвесторлар ва тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказиш амалиёти давом эттирилади.

Кейинчи беш йилда ЯИМни 100 миллиард долларга, йиллик экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Хусусий секторнинг ЯИМдаги улуши 80 фоизга етказилиши ҳамда Ўзбекистон 2030 йилга бориб аҳолиси ўртадан юқори даромад оладиган давлатлар қаторидан жой олиши мақсад қилинган.

Президентимизнинг “Сизларнинг мамлакатимизда мубаффақиятлар фаолият олиб боришингизни таъминлаш — Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати томонидан қафолатланади”, деган фикрлари хориқлик инвесторлар томонидан жуда катта саммият ва хурсандчилик билан қутиб олингани ҳаммаимизни қувонтиради.

Таъкидлаш керакки, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулотни 1,6 баробар ва 2030 йилга бориб эса 4 минг АҚШ долларидан ошириш ҳамда даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш учун замин яратиш, миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 баробарга ошириш белгиланган.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодиётни ўсишига эришиши, аҳоли даромадлари ошиши, қамбағалликнинг қисқартирилиши ва турмуш шароитининг яхшиланиши миллий иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларига жалб этилаётган инвестиция маблағлари ҳажми ва унинг таркибига бевоисита боғлиқ. Демак, ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишининг жозибадор муҳитини шакллантиришини замоннинг ўзи шарт қилиб қўймоқда.

Шундай экан, биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми Янги Ўзбекистон иқтисодий тараққиёти сари ташланган яна бир муҳим қадамдир.

қолмай, улардан бозор эҳтиёжлари учун тайёр маҳсулот ишлаб чиқараётгани билан аҳамиятлидир.

Қишлоқ анҳорларида кичик гидроэлектростанциялар

Электр энергияси ишлаб чиқариш таркибида қайта тикланадиган гидроэнергетика ресурслари улушини ошириш янги экологик тоза энергия ҳосил қилишга йўл очди. Кичик гидроэлектростанциялар муайян ҳудуднинг электр энергиясига эҳтиёжини қоплай олади. Кичик ГЭСлар ҳар бир ҳудудда ўрна-тилса, аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик яратилиши бор гап.

Электр энергияси ишлаб чиқариш учун сув оқимининг табиий ҳаракатидан фойдаланиш анча самарадор ва осон усул. Чуст инновацион ҳудудида содда конструкцияга эга, сув босимисиз ишлайдиган микроГЭСлар барпо этилиб, илк тажрибаларда унинг самарадорлиги қафолатланди. Бундай қурилмалар паст босимли сув оқимида ишлатишга мўлжаллангани сабабли қулай, таннархи арзон.

— Қишлоқлардаги кичик анҳор ва ариқлар сув оқимида ишлатишга мўлжалланган кичик ГЭСлар истеъмолчиларни арзон электр энергияси билан таъминлайди, — дейди лойиҳа раҳбари Акромжон Умурзоков. — Энергиясамарадор, экологияга зарар етказмайдиган бундай қурилмалар кундузи мактаб ва болалар боғчаларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, кечаси эса қўчаларни ёритишда қўл келпапти. Ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг нархи эса аънаванвисидан 2–3 баробар арзон.

Феруза ЖўРАЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

УЙҒОНИШ ДАВРИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ТАРАҚҚИЁТНИНГ
ОЛТИН КЎПРИГИ

келажак карвони учун мустаҳкам
замин яратади

Иқтислом ТЎХЛИЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Инсоният ярибли, ўзини таниган кундан бери тараққиёт сари талпинади. Ҳар давридаги нотақаб ҳаётдан бугунги кунгача ўзлаштирилган паллағача босиб ўтилган йўл инсон заковатининг яхлит таснифидир. Дунёнинг бугунги тарзи шу ҳолга келгунча инсониятнинг улуг фарзандлари, шу зотларни берган халқлардан ҳар бирининг бемисл улushi бор. Биз ана шу буюк илмий-маданий юксалишнинг ворисларимиз. Ўз ўрнида айтиш лозимки, биз Учинчи Ренессанснинг айнан ўзбек заминидан рўй беришига бел боғлаш учун ҳар томонлама ҳаққи бор халқимиз.



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюси ва Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан тантанали мажлисдаги нутқида Учинчи Ренессанс мамлакатимиз тараққиётининг мақсади ва унинг янги Ўзбекистон ғояси билан ҳамоханлиги айтилгандан кейин бу мавзуга қизиқиш янада ортиди. Учинчи Ренессанс ва Янги Ўзбекистон концепциялари амалда миллий ғоя сифатида расмийлашмоқда.

Уйғониш дея ўзбек тилига кириб келган ренессанс тушунчаси биринчи марта Европада XV—XVII асрлардаги иқтимоий ривожланишга нисбатан қўлланган бўлса-да, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс ҳам Европа Уйғониши давридан илгари келди. Улар Европа материализми ва Уйғониш даврининг манбаларидан бўлди. Уйғониш даври Европада XV—XVII асрларга тўғри келса, заминимизда Биринчи Уйғониш IX—XII, иккинчиси XIV—XV асрларни қамраб олади.

Юртимизда кечган ҳар иккала ренессанс ҳам учта устунга асосланади: **ривожланган иқтисодиёт, илм-фан ва кучли шахс.**

Араблар Мовароуннаҳрга келганида бу заминда обод шаҳарлар, муҳташам саройлар, ривожланган ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш устаконалари, карвонсаройлар, йирик бозорлар бор эди. Амударё ва Зарафшоннинг қўйи оқими ҳамда Фарғона vodiysida миллодгача бўлган даврда деҳқончилик маданияти тараққий этиб улгурган. Натижада эса деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аҳоли ўртасида муназаам айирбошлаш муносабатлари ўрнатилди. Бу ҳаётий зарурат эди. Аму ва Сир дарёлари этакларидаги аҳоли ҳаёти Нил, Тигр, Ифрат дарёлари қирғоқлари бўйидаги мамлакатлар каби қўллаб ҳалқларни ўзига жалб этди. Қолаверса, Турон замини бир томондан Месопотамия ва Эрон, иккинчи томондан Хитой ва Ҳиндистон ўртасида боғловчи халқа эди.

Қўлай табиий ва географик шароит ҳўжа-лик ҳаётининг раванк топишига хизмат қилди. Бу ерда турли вақтларда 15 дан ортиқ давлатчилик тузуми ҳўки сурди. Натижада турли хил иқтисодий тажрибалар, халқлар, маданиятлар бир жойда тўпланди. Бу эса, ўз навбатида, ҳам моддий, ҳам маданий жиҳатдан танлаш имконини берди. Гап шундаки, тараққиётнинг бош омилларидан бири бўлган соғлом рабобат вужудга келди. Аммо маълумки, ҳар қандай маҳаллий маданият фақат ўзидан устун маданий унсурларинигина қабул қилади, пастроқларини эса ўзига сингдириб — ютиб юборади. Араб ёзуви қадимий Хоразм ва Суғд ёзувини сиқиб чиқарди. Чўнки ислом дини шаклидаги маданият Аллоҳнинг сўзи — Қўр’он таъсирида маҳаллий маданиятдан устун келди. Ваҳоланки, бу заминдаги шаҳар маданияти ўзининг эллинизм, форс, ҳинд ва хитой маданияти унсурлари билан бойитилган икки минг йилдан ортиқ тарихига эга, жаҳон динларидан бири — оташпарастлиқнинг ватани эди. Аммо бу даврда арабларда кучли давлатчилик тузуми, жанговар армия, ўз ёзуви, энг асосийси, янги ва қўдратли — ислом мафҳураси бўлган. Иқтисодий раванк ислом маданияти билан омикта бўлиб, ўзининг синергетик самарасини бера бошлади.

Бизда кечган цивилизацияга Ғарб цивилизациясига нисбатан консервативроқ бўлиб, сабаби шуки, бу ерда техника ва технологияларга нисбатан маънавий йўналишнинг, айниқса, диннинг аҳамияти устунроқ бўлган. Исрол биз учун нафақат эътиқод, шу билан бирга, турмуш тарзи ҳамдир. Маънавиятни ўзгартириш эса секинроқ кечадиган, айрим анъана ва урф-одатлари, эътиқодни эса бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Бу йўналишнинг илдизлари минг йиллар давомида юксак маданият, дин ва иқтимоий тараққиёт омиллари ила суғориб келинади.

Исрол Арабистон яриморалида вужудга келган бўлса-да, Мовароуннаҳрда қанот

ёйди. Унинг бир бутун тўлақонли таълимот шаклида ривожланиши Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Маргиноний, Имом Мотуридий, Абу Лайс Самарқандий, Маҳмуд Замахшарий, Абдуҳалиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Наҳмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Вали, Маҳдуми Аъзам, Суфий Оллоёр ва бошқалар улкан ҳисса қўшди. Лекин ҳали ўрганилмаган алломалар қанчадан-қанча.

Исрол маърифатпарвар таълимот бўлиб, нафақат диний, балки дунёвий фанлар ривожига ҳам кучли туртки берди. Биринчи Уйғониш даврида аниқ ва табиий фанларнинг деярли барча соҳаси — математика, физика, астрономия, геология, кимё, тиббиёт ва бошқа фанлар гўриқиб ривожланди. Юртимиздан Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби жаҳонга машҳур қомусий алломалар етишиб чиқди. Бу том маънодаги илмий, маданий, маърифий Уйғониш эди.

Мўғуллар истилоси оқибатида заволатопган иқтисодиёт, илм-фан, маданият фақат буюк Амир Темур даврига келибгина жонлана бошлади. Иккинчи Ренессанс буюк



Амир Темур даҳоси билан бевосита боғлиқ. Суғориш маданиятининг устуворлиги сабаб бу ерда зироатнинг барча турлари етиштирилган. Ерга эгаллиқнинг ижара, шартнома ва ҳусусий шаклларида кенг фойдаланилган. Амир Темур салтанатида ерга эгаллиқнинг бешта асосий шакли мавжудлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Ер умуман давлатга тегишли бўлиб, ундан фойдаланиш шакли турли хил эди. Шакл қандай бўлишидан қатъи назар, мақсад ва мазмун битта — ерни ишлатиш, ҳосил ундириш ва бозорни мўл-кўл, арзон маҳсулот билан тўлдириш, ҳосилнинг ундан бир қисмини солиқ сифатида тўлаш бўлган. Шунинг учун ҳам бозорлар обод эди. Табақалашган солиқларни тартибга солишда “Темур тузуқлари” муҳим манба ролини бажарган. Шу боис, Амир Темур давлатида ички ва ташқи бозор янада ривожланди. Самарқанд атрофида янги қишлоқлар барпо қилиниб, улар Шарқнинг буюк шаҳарлари номи билан аталди. Янги бозорлар, савдо расталари қурилди, шаҳар атрофида турли ёймалар (ярмаркалар) ўтказилди. Булар ҳақида испан ёзувчиси Руи Гонзалес де Клавихо, Ҳерман Вамбери ва Ибн Баттута қўллаб маълумотлар ёзиб қолдирган. Бу даврда Самарқанд Шарқнинг нафақат сиёсий, балки йирик савдо марказларидан бирига ҳам айланди, ўзига ҳоким халқро мол омбори вазифасини бажарди. Бу ерда Дамашқнинг моҳир тикувчилари, Ҳалабнинг йиғирув, Анқаранинг мовут корхоналари, Туркия ва Гуржистоннинг зарғарлик усталари тўпланган. Бунда, албатта, улқадан

лар) номини олди. Бу давр Улуғбек, Ғиёсиддин Коший, Қозизода Румий, Али Қушчи, Лутфий, Жомий, Навоий, Бехзод, Бобур каби оламга машҳур шахсларни етказиб берди.

Иккинчи Ренессанснинг характерли жиҳатларидан бири шуки, Биринчи Ренессанс мўғуллар истилоси, антик маданият эса ҳўнлар ва вандаллар истилоси таъсирида таназзулга ҳок тўтган бўлса, у эса қўл жиҳатдан иқтисодий омил ҳисобига — денгиз йўлларининг очилиши билан карвон йўллариининг халқро аҳамияти пасайиши таъсирида чўқуралиб борди. Уйғониш ва маърифатпарварлик руҳи энди Европада қўчди. Юртимиз барча ишлаб чиқариш усулларида даҳлдор бўлса-да, европаликлар ўзларининг бетакдор ҳўсуиятлари ва қирраларига эга бўлди. Бу ерда анъанавий қўлдорлик тузуми бўлмаганлиги (қўлдорлик муносабатлари жамият иқтимоий-иқтисодий ҳаётининг мазмунини белгиламаганлиги) ва деҳқон ер эгасига эмас, балки ернинг ўзига бириктирилган. Жамоавийлик ҳамиша жамиятнинг иқтимоий-сиёсий тизими қирраларини ювиб, уни юмшатиб келди. Бугун Учинчи Ренессанс пойдеворини яратмиш тараққиётимизнинг мақсад ва мазмуни сифатида белгиланган экан, бу мўътабар ғоянинг шарофини туширмаслик, уни тасаввурдан реал ҳаётга олиб кириш, шўнчаки шўр, қанқир бўлиб қолмасдан ҳаракат учун қўллана бўлишини таъмин этмок лозим. Бунинг учун зарур бўлган энг муҳим омиллар — иқтисодий асослар, мустаҳкам эътиқод, кучли шахсининг сиёсий иродаси мавжуд.



2021 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 7,4, саноат — 9,5, хизмат кўрсатиш — 20, қурилиш 6 ва қишлоқ ҳўжалиги 4 фоизга ўсди. Жаҳон банки фаразларига кўра, 2022–2023 йилларда ўртача ўсиш сўрвати Ўзбекистонда Евроиттфок, Россия ва бошқа МДҲ мамлакатларига нисбатан 2–3 баробар юқори бўлади.

Ўзбекистон глобал молиявий-иқтисодий инқироз ва пандемия шароитида ҳам иқтисодий ўсишга, инқироздан ривожланиш орқали чиқиш йўлини тутган ва унга эришган дунёдаги қамдан-қам мамлакатлар сирасига қиради. Агар ўсишнинг сифат даражасига эришилса, яъни аҳоли турмуш даражаси ялпи ички маҳсулот ўсишидан ортда қолмаса, янада яхши. Аммо бугун ҳақиқат шундан иборатки, инсон ривожланиш индекси кўрсаткичларидан фақат таълим бўйича олдинги ўринларда турамиз. Қўрилаётган кескин чора-тадбирларга қарамасдан умр узунлиги ва аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича орқадамиз.

Меҳнатга ҳақ тўлашининг минимал ва ўртача даражалари бўйича ҳам деярли шўндай ҳўлат. Биз мустақиллик тонгидаги старт имкониятларини бой берган авлодмиз. Бугун барча соҳада очилиқчи эришиш, меҳнат аҳлига қўлайликлар яратиш бўйича қилинаётган ишлар қўлами катта. Институтонал ўзгаришлар, ишлаб чиқариш ва хизматларни ташкил қилиш ҳамда бошқарилишнинг янги самарали шаклларида фойдаланиш, инновация, юқори технологияли, рақамли иқтисодиётга ўтиш ишлари жадаллашмоқда.

Иқтисодиётни ривожлантириш омилларидан бири инвестиция, солиқ, кредит соҳаларида аста-секин эксклюзив имтиёзлардан инклюзив (барчага баробар) тизимга ўтиш, яширин иқтисодиёт ва коррупция даражаларини кескин қамайтиришдир. Чўнки улар мавжуд бўлган жойларда “чиптасиз йўловчилар” пайдо бўлади, ҳўлат тадбиркорларнинг “қўлига урилади”, монополизм сақланиб қолади.

Бу ишларнинг самараси, яратилаётган ишлаб чиқариш қуввати барибир ўзининг бутун бўй-бастини ақин келажакда кўрсатади, албатта.

Деразамизнинг орқасида XXI аср шабадаси эсётган, инсоният Ой ва Марсга учиб, у ердан макон ахтариётган, нанотехнологияга ўтилиб, кишиллар ташқаридан туриб жисмининг миллионлаб зарраларини бошқараётган бир паллада бизнинг шахсий автомобиль ойнасини қанча фоиз қорайтириш ва унга қанча тўлаш ёки бўлмаса жўнгина оила, турмуш иқир-чиқирларини муҳокима қилиб юришимиз ачинарли ҳўлат. Наҳотки бундан 100 йиллар олдин жадид боболаримиз кўтарган маънавий ва маърифий талаблар даражасига ҳали ета олмаган бўлсак.

Наҳот қерда? Наҳот йўлини ҳам Президентимиз ўзи кўрсатиб берди. Яъни биз кўзлаган улўғ маррага таълим секторини қучайтириш орқалигина етишимиз мўмкин. Президентимизнинг **“Учинчи Ренессанс мактаб остонасидан бошланади”**, деган сўзлари бунга далилдир. Яқинда мамлакатимиз раҳбари мактаблар фаолиятини ривожлантириш масаласига бағишланган йиғилишида “Тўғрисини айтсам, тақдиримиз ўқитувчилар қўлида”, дея муаммони лўнда айтиди-қўйди. Президент, иқтидорли болалар, ижод мактаблари ташкил қилинмоқда. Олий таълимга қабул даражаси қисқа вақт ичида 10 фоиздан 33 фоизга етказилди, яқин йиллардаги марра эса 50 фоиз қилиб олинди. Шу мақсадда ўнлаб давлат, қўша ва ҳўсусий олий таълим даргоҳлари очилмоқда. 60 йилдан зиёд фаолият юритиб келаетган мамлакат илм-фани штаби — Фанлар академияси жар ёқасидан қайтариб қолинди. Тўғри, сифат муаммоси бор. Микдор албатта бир кун келиб сифатга айланади, бу — қонуният.

Бугун тамал тоши қўйилаётган Учинчи Ренессанс барча ренессанслар занжирининг бир ҳалқасидир. Чўнки ўтмишсиз келажак йўқ. Теран англаб олишимиз лозим: биз яшаётган бугунги дамлар тарихий аҳамиятга эга бўлган даврдир. Ҳўзир ренессанслар ўртасида улкан кўприкка асос солинмоқда. Бу кўприк тараққиётнинг олтин кўприги. У мустаҳкам ва муҳташам бўлиши керак. Негаки бу кўприқдан келажак карвони ўтади.

НУҚТАИ НАЗАР

ДЕҲҚОНЛАРНИНГ
ЕЛКАСИГА ҲАМ
ОФТОБ ТЕККАНИ
РОСТ БЎЛСИН

Азим ЛАТИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Шофиркон туманидаги
“Азим Шофиркон юлдузи”
фермер ҳўжалиги раҳбари



Яширмайман, шу пайтга қадар кўнглимизнинг бир чеккаси кемтик эди. Иил бўйи ҳалолат меҳнат қилсагу, пахтаимизга тақик қўйилган бўлса-я, деган ўйда эдик. Биз етиштирган пахта ва ундан тайёрланган тўқимачилик маҳсулотлари қачонгача “қора рўйхат”да туради, дея изтироб чекканимиз ҳам рост.

Ўзоқ йиллар меҳнатимиз маҳсулини бус-бутун кўриш умиди билан яшадик. Саёр қилсанг, гўрадан ҳўла битар, деганларича бор экан. Ниҳоят, биз кутган дамлар келди. Энди пахтаимизнинг ҳам, ундан тайёрланган кийим-кечакларнинг ҳам бозори янада қаққон бўлади. Одамлар рўзгорига барча қиради. Тўқимачилик саноати раванк топади. Деҳқоннинг дасти узаяди.

Бундай имконият давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси, қатъияти самарасидир. Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар меваси кўзга яққол ташланди. “Cotton Campaign” халқро коалицияси эътирофидан халқимизнинг кўкси ҳам тоғдек кўтарилди. Асосийси, мажбурий меҳнат, болалар меҳнати деган гап-сўзлар, таъналар ортда қолди. Оппок пахтаимиз шаънига доғ бўлиб турган иллатлар батамом барҳам топди. Сизга айтсам, яйраб ишлайдиган замон келди. Энг муҳими, соҳада ишловчиларнинг меҳнати қадрланяпти. Теримчиларга яхшигина иш ҳақи тўланадиган бўлди. Натижада қишлоқдаги юзлаб ишсиз хотин-қизлар ўз ихтиёри билан далага чиқдилар, рўзгор кам-кўстини тўлдириш имконига эга бўлдилар.

Пахта етиштириш ва уни қайта ишлаш билан кластерлар шуғулланаётгани биз, фермерлар учун ҳам қатор қўлайликларни юзага келтирди. Мана бир мисол. Фермер ҳўжалигимиз ва “Бухоро агрокластер” ўртасида шартнома тузилган. Илгари маҳаллий ўғит, ёнлиги таъминоти каби масалаларга ечим излаб қўнни кеч қилардик. Энди бу каби юмушлар билан кластер вакиллари шуғулланмоқда. Бизга чинакамга елкадош бўляпти. Ишга ана шўндай ёндашув пахтачилик ривожига хизмат қиялпти. Шу ўринда бир-икки далил келтирмоқчиман.

2021 йилда вилоят бўйича 345 минг тоннадан ортиқ пахта тайёрланди. Бу 2020 йилдаги нисбатан 50 минг тонна кўп. Атайин

қизиқиб кўрдим: пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган даромад 4,8 триллион сўмини, соф фойда 2,3 триллион сўмини ташкил этган. Бунга соҳада пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилгани, хомашёни етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантиришга қўлланган жараён иштирокчиларининг моддий манфаатдорлиги ошгани, эканини томчилатиб сўғориш технологиялари дадил жорий этилаётгани эвазига эришилди, албатта.


2022 йилда вилоятдаги пахта-тўқимачилик кластерлари сонини 14 тага етказиш кўзда тутилган. 97 минг 900 гектар майдондан 402 минг тонна пахта хомашёси етиштириш, ҳосилдорлиқни ўртача 41 центнерга етказиш режалаштирилган.

Ўзимга келсак, эллик йилдан бўён деҳқончилик билан шуғулланаман. 17 йилдирки, фермерман. Қирқ нафар аъзომиз бор. Барча турдаги, ҳўсусан, ҳайдов ва гўза қатор орасига ишлов берувчи техника қадрланяпти. Теримчиларга яхшигина иш ҳақи тўланадиган бўлди. Натижада қишлоқдаги юзлаб ишсиз хотин-қизлар ўз ихтиёри билан далага чиқдилар, рўзгор кам-кўстини тўлдириш имконига эга бўлдилар.

Утган йилда чўл инжиқликлари, охибаёт тақчиллигига қарамай, қабул пунктларига 200 тоннадан зиёд сифатли пахта хомашёси топширдик. Экин майдонларини лазер ускунаси ёрдамида текисладик. Бу чўл шароитида қадри жуда баланд бўлган сўвни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш имконини берапти.

Жорий мавсумни биз, деҳқонлар ўзгача ғайрату шижоат билан бошляямиз. Чўнки пахтаимиз бутун дунёда эъзозланадиган, қадрланадиган, ундан тайёрланадиган маҳсулотлар жаҳоннинг манаман деган давлатларига кириб борадиган бўлди. Бинобарин, энди ўқинчу армонларимиз ўтмишда қолди. Халқимиз ризқига-ризқ қўшиб йўлида белни маҳкам боғлаб ишлаш фурсати етди!





Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти,
тарих фанлари доктори, профессор

Марказий Осиё алломалари ўрта асрларда илм-фаннинг турли соҳаларига оид кўплаб муҳим асарлар битган. Бу асарлар ўзининг юксак илмий савияси ва қиймати билан жаҳон илм-фани ривожига катта таъсир кўрсатиб, башарият тараққиётининг юқори босқичи ҳисобланган ҳамда илмий адабиётларда Ренессанс деб эътироф этилган ижтимоий ҳодисани юзага келтирган. Юртимиз кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланаётган 100 мингдан ортиқ асарлар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Айни кунларда аждоқларимизнинг ушбу бетакрор тарихий ва маънавий меросини асраб-авайлаш ҳамда илмий истифодага киритиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, Президентимизнинг бу йил 10 февралдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур масалалар ечимига йўналтирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга.

Қарор юртимизда Шарқ қўлёзмаларини сақлаш, таъмирлаш, бойитиш ва муайян тизимга келтириш, араб ёзувидаги ёзма ёдгорликлар, эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изохлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш ишларини тамоман янги босқичга олиб чиқади. Шунингдек, меъёрий ҳужжатда юртимиздан етишиб чиққан алломаларнинг хорижий давлатларда сақланаётган асарларини излаб топиш ва каталогларини тузиш борасида янги вазифалар белгиланди.

Даврлар ўтиб, асрлар силсиласида юртимиз алломалари битган асарлар турли мамлакатларга олиб кетилган ва бугунча сақлаб келинмоқда. Аллома боболаримизнинг кўплаб асарлари сақланаётган шундай мамлакатлардан бири Туркия Республикасидир. Кейинги йилларда мазкур давлат билан ҳамкорликнинг истиқболли ривожланиши палласига қадам қўйилмоқда. Хусусан, Президентимиз 2020 йили 20 февраль кўни Анкара шаҳрида Туркия Республикаси Президенти ҳузуридаги Халқ кутубхонасининг очилиш маросимида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари юртимизда сақланаётган Усмон Мусхафнинг ўзбек хаттотлари кўчирган нусхаси, Жалолиддин Румийнинг машҳур “Маънавий маънавий” ҳамда Абу Бакр Розийнинг “Касаликлар тарихи” номли асарларининг ноёб қўлёзмалари фақсимиле нусхалари, “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари” номли китоб-альбом, XIII асрда яшаб ўтган турк шоири

Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган “Улмас кўнгул” номли китобни янги кутубхонага тухфа қилди.

Мутахассислар Туркияда 300 минг жилд атрофида қўлёзма асарлар борлигини тахмин қилмоқда. Уларнинг 160 мингдан ортиғи арабий, 70 мингга яқини туркий ва 13 минг жилддан ортиғи форсий тилларда битилган. Юнонча, сурёнийча қўлёзмалар ҳам бор. Биз учун аҳамиятли жиҳати шундаки, улар орасида марказий осийлик олимларнинг асарлари қўлёзмалари ҳам кўплаб учрайди. Бироқ мазкур алломаларнинг Туркияда сақланаётган асарлари хусусида махсус каталоглар тузилмагани туфайли уларнинг сони, муаллифлари, қайси кутубхона ёки музейларда сақланаётгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз. Бизнингча, буларни аниқлаш учун махсус археографик экспедициялар уюштириш мақсадга мувофиқ. Бу қўлёзмаларнинг аксариятини юртимиздан етишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Имом Бухорий, Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Муҳаммад Хоразмий, Маҳмуд Замашарий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Шарофиддин Илоқий, Бурхониддин Марғиновий, Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий ва бошқа алломалар асарлари ташкил этади.

Марказий осийлик алломаларнинг асарлари Туркиянинг Маданият ва туризм вазирлигига қарашли кутубхоналар ҳамда нашрлар бош бошқармаси, маданий ёдгорликлар ва музейлар бош бошқармаси, университетлар кутубхоналари, оммавий кутубхоналар, вақфлар бош бошқармасига қарашли кутубхоналар, шунингдек, шахсий коллекцияларда мавжуд.

Сулаймония қўлёзма асарлар кутубхонасида 155 та коллекция мавжуд бўлиб, унда жами тўқсон минг жилд қўлёзма ва етмиш минг жилдга яқин араб ёзувидаги босма асар мавжуд. Кутубхона таркибида усмоний подшоҳлар ва ҳомийлар жамлаган асарлар ҳам бор. Унда Аё София, Бағдодали Веҳби, Жоруллоҳ, Домод Иброҳим, Асад Афанди, Фотих, Ҳожи



Маҳмуд, Ҳомидия, Қилич Али, Лалели, Раисул кутуб, Сулаймония, Шаҳид Али ва Йени коллекцияларидаги нодир асарлар жамланган. Албатта, Сулаймония кутубхонасининг беназир ва беқиёсلىги фақат рақамларда ифодаланмайди. Бу ерда қадимий, муаллифлар ўзи қўли билан ёзган, яъни автограф, миниатюра ва дунёда ягона нусха ёки султонларга ҳадя қилинган жуда қимматли қўлёзмалар ҳам сақланади. Ушбу кутубхона улуг ватандошимиз, буюк қомусий олим Абу Али ибн Синонинг бизгача етиб келган асарларидан кўпини ўзида жамлаган дунёда ягона кутубхона ҳисобланади. Буюк табиб бобомизнинг у ерда сақланаётган асарлари орасида XI асрга оидлари ҳам бор. Улар каллиграфия, миниатюра, расм ва муқоваларининг нафислиги билан ҳам бебаҳо. Кутубхонада ибн Сино асарларининг 1484 та қўлёзмаси мавжуд. Алломанинг 140 га яқин рисоласини яхлит ўзида жамлаган мажмуа асарлари ҳам бор.

Абу Али ибн Синонинг Сулаймонияда сақланаётган асарлари фалсафа, математика, тасаввуф, тилшунослик, адабиёт, математика, физика, кимё, табobat, сиёсат, география, астрономия каби фанларга оид бўлиб, 1022–1728 йиллар оралиғида кўчирилган. Кутубхонада беназир ҳақимнинг кичик асарлари ҳам бўлиб, уларда муаллиф эпистемология, онтология, теология ва метафизикага оид қарашларини баён қилган. Алломанинг Абу Райҳон Беруний билан ёзишмалари ҳам кутубхона мажмуасидан жой олган.

Сулаймонияда бобомизнинг “Китоб уш-шифо” асарининг 32 та нусхаси мавжуд. “Китоб ун-наҳот”, “Ал-ишорат вал танбиҳот”, шунингдек, кичик фалсафий рисоалари ҳамда физика, мусиқага оид асарлари ҳам кутубхона фондидан ўрин олган.

Муаллифнинг табобатга оид асарларига келсак, Сулаймонияда “Тиб қонуналари” асарининг 58 та нусхаси мавжуд. Беш

аллома асарларининг уч юзга яқин қўлёзмаси мавжуд. Бу Берунийнинг дунёдаги бошқа кутубхоналарда сақланаётган асарлари сонига қараганда анча кўп. Улар орасида бобомиз ҳаётлигида кўчирилганлари ҳам борлиғи хайратланарли ва қувонарли ҳол, албатта.

Илмий доираларда айтилишича, Тўпқопи саройининг музей кутубхонасида Муҳаммад Шайбонийхоннинг ягона



Али ибн Сино асарлари қўлёзмалари Туркия кутубхоналарида” номли китоб-альбом нашр этилгани ҳар икки мамлакат олимларининг бу борадаги ўзаро ҳамкорлиги дебочаси бўлди.

Туркия кутубхоналарида сақланаётган эски ўзбек ёзувида битилган ва бугунча етиб келган энг қадимги манбалардан “Урхун битиклари”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу били” (Саодатга элтувчи билим) ва Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” (Туркий тиллар девони) асарларини ҳам зикр этиш мумкин.

Абу Али ибн Синонинг замондоши Абу Райҳон Беруний аниқ ва табиий фанларга оид фундаментал асарлар ёзган қомусий олим ҳисобланади. Аллома ўзидан йирик илмий мерос қолдирди. Унинг 182 китобидан 18 таси астрономияга, 15 таси географияга, 5 таси астрономик усуналар ва улардан фойдаланишга, 4 таси ёруғлик нурини кузатишга, 5 таси вақтни ҳисоблаш ва аниқлашга, 5 таси юлдузларга, 7 таси астрологияга, 14 таси оптика фанига оид. Ҳозир Туркия кутубхоналарида

нускадаги девони, темурийлар билан ёзишмалари сақланмоқда. Айнан шу кутубхонанинг “Реван” коллекциясида Навоийнинг “Қуллийёт” асари сақланади. Яна, Алишер Навоийнинг форсийда ёзган газалларидан парчалар, Абу Али ибн Сино ва Бухоро хони Имомқулихонга ишланган миниатюралар ўрин олган.

Туркия қўлёзма асарлари ташкилоти бошқармасига қарашли Кўнё кутубхонасида ҳам арабий, форсий, арман, сурёний, курд, усмоний ва ҷиғатой тилларида битилган қўлёзмалар мавжуд. Ушбу жамланмадан Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонуналари”, Жалолиддин Румий ва Ибн Ал-Арабийнинг китоблари ҳам жой олган.

Боболаримизнинг Туркия кутубхоналарида сақланаётган салмоқли илмий мероси мамлакатимиз тамаддуни ютуқларидан қардош Туркия халқи ҳам баҳраманд бўлаётганини таъкидлайди. Бу эса давлатлар ўртасидаги илмий-маърифий ҳамкорликнинг бугунги ривожига тамал тоши анча аввал қўйилганидан гувоҳлик беради.

ИНСОН ҚАДРИ

АДИБ СИЙМОСИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, таниқли адиб, атоқли жамоат арбоби Шарап Уснатдинов 1942 йили Кегейли туманида туғилган. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида тахсил олган. Шарап оға журналистика факультети талабаси бўлган пайтда бу олий ўқув даргоҳи илм ва ижод ўчоғи эди. Шарап оға ана шу илгор адабий муҳитда адабиёт, бадий ижод ва журналистика сирларини ўрганган. Илк ижодий фаолиятини ёшлар газетасида бошлаган.

Шарап оға, авваламбор, ижодкор журналист бўлиб ижтимоий ҳаётга кириб келди. Марказий газеталарда муҳбирликдан бош муҳаррирликкача бўлган лавозимларда ишлади. Журналист ҳаёти, газеталардаги иш жараёнини Шарап оға ипидан игнасиғача яхши билди. Чунки бу ҳаётни ўз бошидан ўтказган.

Тиниб-тинчимас адиб давлат ва жамоат арбоби сифатида масъул лавозимларда хизмат қилди. Вазир бўлди, ҳоким бўлди. Ҳукумат



Оға жамоат арбоби, эл оқсоқолларидан бири эди. Лекин у, энг аввало, ижодкор эди, маҳоратли ва тажрибали адиб эди. “Кимга кеч, кимга тонг сахар”, “Сўнгги овчи”, “Қўрганларим,

қўнгилдагиларим”, “Биринчи қорақалпоқ балетмейстери” каби насрий асарлар тўпламлари, айниқса, “Шоирнинг ёшлиғи”, “Ибройим Юсупов” роман-дилогияси билан Шарап Уснатдинов бетакрор ёзувчи эканини адабиёт майдонида исботлади. “Шоирнинг ёшлиғи” романи моҳир шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, дастлаб “Жаҳон адабиёти” журналда, сўнг китоб ҳолида нашр этилди. Асар ҳақида кўп таниқли адиблар ва олимлар ижобий фикр билдирди. Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Абдулла Орипов “Шоирнинг ёшлиғи” романини “Улуғ шоир хотирасига муносиб асар”, дея юксак баҳолаб, бундай деган эди: “Жаҳон адабиёти” журналда Шарап Уснатдиновнинг улуғ шоир Ибройим Юсупов ҳаётига бағишланган романини ўқий бошларканман, қутилмаган

бир фикр ҳаёлимни чулғаб олди. Ажабо, мен китобнинг муаллифини яхши биламанми ёхуд унинг қаҳрамониними?! ... Шарап Уснатдинов менга қанчалик яқин биродар ва дўст бўлгани билан унинг қўлидан нималар келишини билмай юрган эканман... Шу ўринда Шарап Уснатдиновнинг ёзувчилик маҳорати мени қойил қолдирди. Романнинг баъзи саҳифаларини ўқиганимда кўз олдимда жаҳон классикларининг қиёфалари ҳам ўтиб қолди. Гап шундаки, бу асар наинки Ибройим, балки қорақалпоқ халқининг тарихи, маданияти, маънавияти, урф-одати, ҳуллас, ҳаммаси ҳақида ахборот беради”. Шарап Уснатдинов адабиётимиз ва маънавиятимиз ривожини йўлидаги хизматлари учун давлатимиз томонидан муносиб муқофотланиб, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист, Қорақалпоғистон халқ шоири фахрий унвонлари, “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланган. Вафотидан кейин 2021 йилда адиб Президентимиз томонидан юксак қадрланиб, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан муқофотланди.

Бу сийловнинг аҳамияти ниҳоятда тереан бўлиб, Шарап Уснатдинов халқ ва мамлакат раҳбари ҳурматига сазовор бўлган машҳур сиймолардан бири эканини аниглайди.

Шарап Уснатдиновнинг ибратли ҳаёти ва ижодини ўрганиш давом этмоқда. Яқинда Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон адибнинг “Ибройим Юсупов” номли йирик роман-эссесининг ўзбек тилига таржимасини аяқунлади. Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланмоқда.

Атоқли адиб, улкан шахс, қорақалпоқ халқининг сеvimли фарзанди Шарап Уснатдиновнинг порлоқ хотираси қалбимизда яшайди. У ўз романлари орқали келажак авлодларга она Ватанга садоқат, эл-юртга муҳаббат, халққа беиминнат хизмат ҳақидаги ҳикматларни сўзлайверади.

Сирожиiddин САЙИИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири